



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 17-mart. Payshanba 33-34 (31.310) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил ноябрь ойидаги қўшма мажлисида илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ парламент муҳокамасига киритилди.

Ҳужжат Бош вазирни, мамлакатимиз бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартибини, шунингдек, мамлакатимизнинг Олий Мажлис палаталари фаолияти регламентини белгилөөчи бир қатор қонун ҳужжатларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан илгари қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонунга мувофиқлаштиришга қаратилган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштиришда ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонунларга, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тузатишлар киритилмоқда.

Муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гурӯҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар таъкидладиларки, амалдаги қонунларга Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилишига оид қондалар киритилётгани давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимини демократик янгиланишнинг муҳим босқичи бўлиб, кўппартиявийлик тизими ҳамда партияларaro рақобат ривожланишида муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциялари аъзолари ривожланган демократик давлатларда кенг қўлланилаётган ҳуқуматга нисбатан ишонсизлик вотуми институтига алоҳида эътибор қаратдилар. Улар таъкидладиларки, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишларга мувофиқ, Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг ваколатлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқи билан тўқдирилаётгани сиёсий партиялар фракцияларига ўз сайловчиларининг манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш ва жойлардаги мавжуд долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, мамлакатни демократик янгилашга оид вазифаларни бажаришда фаол иштирок этиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда.)

Фракция фаолияти



Муродбек ЗИЁЕ олган суратлар.

Босқичма-босқич ислохотларнинг узвий давоми бўлган қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар парламент қўйи палатаси муҳокамасига киритилаётган қатор масалаларни муҳокама этди.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси батафсил кўриб чиқилди.

Ҳужжат мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фу-

қаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларини ўзида акс эттирган. Сўзга чиққан депутатлар Президентимизнинг ушбу қонун ташаббуси мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти қуриш бўйича олиб борилаётган босқичма-босқич ислохотларнинг узвий давоми эканини алоҳида таъкидлашди.

Иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган мазкур қонун лойиҳасига кўра, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси

тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида» ҳамда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларнинг қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мазкур янги мезёрлар ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий

тамоийлини ҳаётга изчил табиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Депутатлар таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, шунингдек, давлат бошлиғи, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлашди.

⇒ 2

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



Дилбар ХОЛИКОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Демократик янгиланиш жараёни

Давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепциянинг долзарблигини нафақат Ўзбекистон, балки хорижий давлатлар олимлари, сиёсатчилари ҳам қайд этмоқда. Бутун дунё сиёсий доиралари Президентимизнинг мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш йўлидаги концептуал ғоя ва таклифлари глобал ва кенг қамровли аҳамиятга эга эканини таъкидламоқда. Янги асрнинг биринчи ўн йиллиги босиб ўтилган бир пайтда илгари сурилган бу ғоя ва таклифлар ўзининг оламшумул аҳамияти билан барчанинг эътиборини тортмоқда.

⇒ 2

Ўзбек олимаси

Европа табиий фанлар академиясининг академиги унвонига сазовор бўлди

Профессор Раъно Сайфуллаевага Европа табиий фанлар академиясининг академиги унвони берилди ҳамда у Россия Фанлар академияси «Регион» илмий-таҳлилий журнали бош муҳаррирининг ўринбосари этиб сайланди.

⇒ 4



Акс-садо

Дабдабали тўй

Нега бизда тўйлар дабдабали ўтади? Бунинг сабаби нима? Бунинг бош сабаби — болам ўксимасин деймиз, меҳмонларга борини тўкиб солгимиз келади, бу йўлда ҳамма қийинчиликни ўз бўйнимизга олиб, туриб берамиз.

⇒ 3

Эътироф

Бир неча йил муқаддам янги йил арафасида Ўзбекистонга келган эдим. Бу галги ташрифим баҳор байрамига тўғри келганидан хурсандман. Халқингиз Наврўз айёмини кенг нишонлашни биламан. Байрам кунлари дастурхонга кўклам таоми — сумалак тортилади. Бу лаззатли таомни татиб кўришни жуда-жуда истайман.

Ўзбекистон, хусусан, Тошкент янада чирой очиб кетганини кўриб қувондим.

Бастийен ФУРЬЕ,
(Франция)

Янгиликлар

Ҳамкорлик

янада мустақамланади

Давлат мулки кўмитасида мамлакатимизга ташриф буюрган Жанубий Корея фонд биржаси (KRX) вице-президенти Хванг Жунгхо раҳбарлигидаги делегация билан учрашув бўлди.

KRX қимматли қозғолар билан муомала қилиш бўйича дунёдаги пешқадам ташкилот бўлиб, савдо айланмаси бўйича энг йирик ўн та фонд биржасининг биридир. Қимматли қозғолар савдоси соҳасида KRX томонидан яратилган ахборот технологияси энг рақобатбардор ҳисобланади, у Осие кўтба-си биржаларида самарали қўлланилмоқда.

Ўзбекистон билан алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан мамнунмиз, — деди Хванг Жунгхо. — Ташрифдан мақсад — икки давлат фонд биржалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш ва таъриба алмашишдан иборат. Бундан бўён лойиҳалар ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш орқали ҳамкорликни янада мустақамлашмиз.

Янги корхона

ишга тушди

Янгиер шаҳрида «Shira-Tech» корхонаси иш бошлади.

150 минг АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилиб, замонавий технология билан жиҳозланган янги тикувчилик корхонасида олти нафардан зиёд хотин-қиз муқим иш жойига эга бўлди. Уларнинг асосий қисмини касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади. Корхона кунига 3 минг дона болалар кийимкечаги тайёрлайди. Уни Янгиер шаҳридаги «Кармента-Ян-Текс» корхонаси газлама билан таъминламоқда.

5 та олтин, 4 та кумуш ва 3 та бронза

Малайзияда қаратэ бўйича аънавий халқаро турнир бўлиб ўтди.

Унда дунёнинг ўн тўрт мамлакатидан келган тўрт юз нафардан зиёд қаратэчи голиблик учун куч синашди. Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари бешта олтин, тўртта кумуш ва учта бронза медални кўлга киритди.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 ЙИЛ 15 МАРТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ			
1 Австралия доллари	1686,74	1 Миср фунти	283,09
1 Англия фунт стерлинги	2687,56	1 Канада доллари	1719,58
1 БАА дирҳами	455,83	1 Хитой юани	254,82
1 АҚШ доллари	1674,18	1 Малайзия рингити	551,08
		1 СДР	2624,19
		1 Туркия лираси	1057,47
		1 Швейцария франки	1801,16
		1 Евро	2320,08
		10 Жанубий Корея вони	14,94
		10 Япония иенаси	203,94
		1 Россия рубли	58,47
		1 Украина гривнаси	210,98

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Демократик янгилашниш жараёни

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Концепцияда белгилаб берилган устувор вазибаларнинг амалга оширилиши, айниқса, ҳақ ҳокимияти тамойилларини ҳаётга янада чуқурроқ жорий этиши, вакиллик институтини янада тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрига эътибор қаратиш зарур: «Айни вақтда шуни унутмаслигимиз керакки, мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саясий ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва ўз ўрнида аёнки, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг ўзбекистонимиз тақдирини ва келажакдаги дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканлигига бевосита боғлиқдир».

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонун қабул қилиниб, кўриб чиқиш учун Сенатга юборилди. Конституциявий ўзгариш ва қўшимчалар давлат ҳокимиятининг уч субъекти — Давлат раҳбари, қонун чиқарувчи ва ижро этишчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиблигини таъминлашга қаратилган. Бош Қомусимизнинг 89-моддасида қайд этилгандек, «Ўзбекистон Республикаси Президентини давлат бошчилигида ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди». 76-модда-

да Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг олий вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади, деб белгилаб қўйилган. Асосий Қонуннинг 98-моддаси Вазирлар Маҳкамаси, яъни ижроия ҳокимиятнинг ваколатларини белгилайди.

98-моддага тақлиф этилган ўзгаришлар Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва тақдирлашнинг янги тартибини, шунингдек, Бош вазирга ишончсизлик вотуми — янги институтни киритишни кўзда тутди. 78, 93, 98-моддаларга киритилган барча ўзгаришлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини изчил янгилаш ва демократлаштириш йўлидаги навабатдаги муҳим қадамдир.

Давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббуси Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партияга ўз ичига олиб, депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партияларга Бош вазир номзодини тақлиф этиш ҳуқуқини беради. Шу тариқа қонун чиқарувчи орган, яъни парламентнинг функциялари кенгайтирилмоқда. Айни чоғда сиёсий партияларга мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар тақдирини ҳал қилшга таъсир кўрсатиш билан боғлиқ масъулиятли ваколат берилмоқда.

Бу тартиб фуқаролик жамиятини ривожлантириш субъекти, яъни давлат раҳбари — Президент қонун чиқарувчи ҳамда ижро ҳокимияти ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади. Биринчидан, бу меъёр сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилишини янгилашдаги мавқеини кўчатириш йўлидаги муҳим қадамдир. Иккинчидан, Бош вазир номзодининг партиялараро рақобат асосида илгари сурилшини ҳар бир партиянинг дастурий вазибалари амалга оширилишини кафолатлайди. Учинчидан,

сайловчилар мамлакатда кечатган жараёнларга таъсир кўрсатишида муҳим омил бўлади. Шунингдек, ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга оширишга хизмат қилади. Буларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояси амалда кафолатланган жамиятнинг янада тараққий топишига олиб келади.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президентини номига Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш тақлифини расман киритиш ҳуқуқи берилмапти. Ишончсизлик вотуми — парламент демократияси овоз бериш орқали фикр билдиришнинг яна бир шакли бўлиб, Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида энг ибтидо бўлмас зиддият пайдо бўлган ҳолатда қўлланилади.

Бу ўринда ишончсизлик вотуми билдириб, расман тақлиф киритувчи депутатлар сонига эътибор қаратиш лозим. Бу тақлифни киритиш учун Қонунчилик палатаси барча депутатларнинг учдан бир қисмининг овози зарур бўлади. Шу тариқа ҳукумат раҳбари ўз фаолиятида барча сиёсий партияларнинг манфаатини бирдек ҳисобга олишини таъминлашга қаратилган демократик механизм қонун билан мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Тақлиф этилаётган конституциявий тўзатишга кўра, биринчидан, Бош вазирга ишончсизлик вотуми, Олий Мажлис Қо-

нунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларининг учдан икки қисми овоз берса, қабул қилинган ҳисобланади. Иккинчидан, Бош вазирни лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинса, бу лавозимга янги номзод Президент томонидан парламент палаталари кўриб чиқиши ва тақдирлаш учун қўйилган палатадаги барча фракциялар билан маслаҳатлашувлардан кейин тақлиф этилади.

Конституциямиз 93-моддасининг 15-бандига киритилаётган қўшимча парламент палаталарига Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид долзарб масалалар бўйича ҳисоботини тинглаш ва муҳокама қилиш имконини беради. Шу тариқа бу меъёрни амалга ошириш натижасида парламент нафақат Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва ҳукумат аъзоларининг ахборотларини, балки мамлакат тараққиётига оид масалалар бўйича Бош вазирнинг ҳисоботини ҳам тинглайди ва муҳокама этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78, 80, 93, 96, 98-моддаларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партиялар фаолиятини кўчатириш, уларнинг мамлакатни янгилаш ва модернизациялашдаги мавқеини мустаҳкамлашда янги имкониятлар яратди. Ижро ҳокимиятини шакллантиришга таъсир кўрсатишнинг самарали воситалари вужудга келиши, шунингдек, ҳукумат фаолияти устидан назорат жорий этилиши, электроник манфаатларидан келиб чиқадиган масалаларни ҳал қилишда партиянинг имконини янада кенгайтиради.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган гоя ва

тақлифларни амалга ошириш мақсадида ЎзХДП Марказий Кенгашининг III пленумида 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинди. Унда парламентнинг ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан назорат функциялари ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган устувор вазибалар, шундан келиб чиқадиган бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

Партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ишлаб чиқиши режалаштирилган «Парламент назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасига алоҳида эътибор қаратмоқда. Лойиҳада парламент назорати шакллари, уни амалга ошириш механизмлари ва ҳуқуқий оқибатлари белгилаб берилди. Шунингдек, парламент назорати субъектларининг ижро ҳокимияти органлари, ОАВ ва бошқа тузилмалар билан ҳамкорлиги масалалари ҳам акс этади. Бундан ташқари, ЎзХДП фракцияси аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан вакиллик ҳокимияти эшитиш ва муҳокама қилиш Олий Мажлис палаталарининг ваколатларини кенгайтиради ҳамда парламент назорати механизмларини тақомиллаштиради. Бу имкониятдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият кўрсатаятган бизнинг фракциямиз ҳам самарали фойдаланиши мумкин.

Жойларда партияимиз электроратини ташвишга соладиган муаммоларни ечиш учун биз ўз қонунчилик ташаббуси ҳуқуқимиздан фойдаланиб, қўнунлар лойиҳаларига тақлифлар берамиз, янги қонунлар ишлаб чиқиш

Фракция фаолияти



Босқичма-босқич ислохотларнинг узвий давоми бўлган қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мастура САЙФИДДИНОВА, фракция аъзоси:



— Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш Олий Мажлис палаталарининг ваколатларини кенгайтиради ҳамда парламент назорати механизмларини тақомиллаштиради. Бу имкониятдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият кўрсатаятган бизнинг фракциямиз ҳам самарали фойдаланиши мумкин.

Жойларда партияимиз электроратини ташвишга соладиган муаммоларни ечиш учун биз ўз қонунчилик ташаббуси ҳуқуқимиздан фойдаланиб, қўнунлар лойиҳаларига тақлифлар берамиз, янги қонунлар ишлаб чиқиш

юзасидан ташаббус билан чиқамиз, қўнунлар лойиҳаларини бевосита ўзимиз тайёрлаймиз. Аммо бу масаланинг бир томони. Иккинчи жиҳати эса қонунларнинг ижроси масаласидир. Берилган янги ваколат орқали қонунлар ижроси юзасидан самарали парламент назорати ўрнатилди.

Демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама этилди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вакиллари таъкидладиларки, мамлакатнинг бир қатор қонун ҳужжатларини «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонунга жадал, тезкор ва энг асосийси, профессионал даражада мослаштириш жамиятда тўлақонли қонун устуворлигининг яна бир ифодаси бўлади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари уларни қўллаб-қувватлаган ҳолда таъкидладиларки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишнинг муносабати билан баъзи қонун ҳужжатларига тузатишлар киритилаётганлиги мамлакатимизда чуқур демократик ислохотлар амалга оширилаётгани, қучли давлатдан қучли фуқаролик жамиятига ўтилаётганининг яна бир ишончли тасдиғидир. Сузга чиққанлар таъкидладиларки, тақлиф этилаётган тузатишлар Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатасидан фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш шакллари ва устуворлигини янада тақомиллаштиришга хизмат қилади. Депутатларнинг фикрича, парламент назоратининг депутатлик сўрови, жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа соҳаларида ишлаш аҳоли бўйича маҳаллий ижро ҳокимият органлари раҳбарларини эшитиш каби шакллари янада самарали фойдаланиш зарур.

Ҳужжатнинг атрофлича муҳокамаси

вақтида баён этилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни қабул қилди. Ушбу Қонун кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Депутатлар ҳўжалик ва фуқаролик ишларининг айрим тоифалари бўйича суд жараёнини янада соддалаштиришга, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. «Судлар тўғрисида»ги Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Фуқаролик процессуал ва Ҳўжалик процессуал кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Моддама-модда муҳокама яқунлари бўйича депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ва ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга қаратилган. Қонун лойиҳасида йўл ҳаракати соҳасидаги аксарият қондабузарликлар учун жарима миқдорларини унификация қилиш ва аниқ белги-

лаш, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг бир қатор моддаларига йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жарималар миқдорини қўнунлаштириш, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш муддатларини узайтириш, айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий қамқоқ тарзидаги жазо жорий этиш орқали жавобгарликни қўнунлаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритиш назарда тутилди.

Атрофлича муҳокамадан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар. Ушбу Қонун Олий Мажлис Сенатига юборилди. Шундан кейин депутатлар аҳоли ўртасида алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини тарқатишни ҳамда истеъмол қилишни чеклаш бўйича чоралар белгиловчи «Алкоғоль ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишни чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Мамлакат қонун ҳужжатларида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ депутатлар сиёсий партияларнинг 2010 йилдаги ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитасининг раиси М.Тешабоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгашининг раиси Л.Ғуломов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитасининг раиси А.Турсунов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитасининг раиси И.Саифназаров маъруза қилди.

Маърузачилар таъкидладиларки, давлатимизнинг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда кўппартиявий тизимни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида кўрсатаятган улкан эътибори ҳамда ғамхўрлиги туфайли сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва таъсири кўчди. Мамлакатимизда сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принциплари қонунийлик, очкилик, ошқоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилигидан иборат. Партиялар ўз аъзолари ва жамоатчиликни партиянинг молиялаштиришига доир маълумотлар билан танишини таъминлаб, фаолиятларини молиялаштириш ҳажми ва манбалари тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида эълон қилиб келмоқдалар.

Мониторинг материаллари таҳлилига кўра, қонунчиликдаги ушбу қондалар партиявий қўрилиш тизимига изчил амалга оширилмоқда, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини қўнунлаштиришга қаратилган кенг қўламли демократик ислохотлар жараёнида долзарб аҳамият касб этмоқда. Муҳокама вақтида баён этилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда депутатлар сиёсий партияларнинг 2010 йилдаги ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколати доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати



Хорижда

Радиация хавфи кенгаймоқда

Япониядаги фавқулодда ҳолат янада аянчли тус олди.

Бугун аҳоли оммавий қидирув-қутқарув ишлари учун жалб қилинган. Қурбонлар сони расман 3 минг 676 нафарни ташкил этган. Бедарак йўқолганлар сони эса ўн бир мингдан ортди.

Мамлакатдаги қудратли «Фукусима-1» атом электр станцияси табиий офатдан жиддий зарар кўрган. Станциядаги реакторда хавфли ёриқлар пайдо бўлгани айтилмоқда. Радиация қўлами кенгайиб бормоқда. Станция мутахассислари ва бу ҳудудда яшовчи 185 минг одам эвакуация қилинган. «Фукусима-1» жойлашган 30 км.лик ҳудудда ҳаво йўллари фаолияти ҳам тўхтатилган.

Қуни кеча Япония императори Акихито телевидениеда чиқиш қилиб, миллатни бу фожиа олдига узини йўқотмаслигига ундади. «Мен халқим бу оғир куфатдан тезроқ қутулишини Яратгандан сўрайман», — деди у.



Тўқнашув кескин тус олди

Баҳрайн пойтахти Манам шаҳрида норозилик намоийшлари давом этмоқда.

Минглаб намоийшчилар ҳукумат, марказий банк, ички ишлар вазирилик биноларини ўраб олишган. Улар қиролдан ислохотлар ўтказишни талаб қилмоқда.

Баҳрайн аҳолисининг етмиш фоизи шира, қолган ўттиз фоизи эса қирол тузумига содиқ сунний мазҳабга таалуқли кишилардир. Қирол Ҳамид ибн Исо ал Халифа мамлакатдаги тартибсизликлар шиддатини исёнкорлиги туфайли юзага келаятганини таъкидлаб, Саудия Арабистонидан норозиликни бостириш учун ёрдам сўраган. Минг нафардан ортиқ аскар ва



артиллерия қуроллари билан Саудия ёрдам кучи Манамдаги намоийшларни тарқатишда иштирок этди. Сўнги маълумотларга кўра, тартибсизликлар қонли тус олган. Икки ўртадаги отишмаларда беш киши ҳалок бўлиб, юздан ортиқ одам яраланган.



Улугбек ЗОКИРОВ, фракция аъзоси:

— Бундан ташқари, фақат қонунлар қабул қилиш билан жойлардаги барча масалалар ҳам ечилиб қолмавермайди. Қўпгина муаммоларни ижро ҳокимияти тузилмалари ваколатлари доирасида, уларнинг эътиборини қўнунлаштириш орқали ҳам бартараф этиш мумкин. Президентимизнинг ташаббуси том маънодаги кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, сиёсий қўнунларнинг

парламент типидagi электрорат партияси сифатида ўзларини намоён этиши, ижро ҳокимияти тузилмалари фаолияти самарадорлигини оширишга таъсирини қўнунлаштириш учун катта имконият яратди.

Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг энг асосий институтидир. Кейинги йилларда партияларга жуда катта ҳуқуқ ҳамда ваколатлар берилмапти. Энди ҳар бир сиёсий қуч улардан самарали фойдаланиши зарур. Бу эса сиёсий партиялар фаолиятини мутасил ошириб боришни талаб этади. Демак, партияимизнинг барча даражадаги депутатлари, сайланма органлари аъзолари, фаолиятини савияси, билими ва тажрибасини янада ошириш борасидаги тизимли ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз керак.

Фракциянинг бошқа аъзолари ҳам масала юзасидан фикрларини билдиришди. Депутатларимиз ушбу қонунини қабул қилинишни тўлиқ қўллаб-қувватладилар.

Мажлисда «Алкоғоль ва тамаки маҳсулотлари тарқатилиши ва истеъмол қилинишни чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда депутатларнинг қизгин муҳокамасига сабаб бўлди.

Бу қонун лойиҳаси «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида асосий эътибор фуқаролар, айниқса, йигирма ёшга тўлмаган йигит-қизлар орасида алкоғоль ва тамаки маҳсулотлари тарқатилиши, истеъмол қилинишни чеклаш, бу маҳсулотларнинг фуқаролар соғлигига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган. Айтиш жоизки, алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни тақиқлашнинг имкони йўқ. Шу боис мазкур маҳсулотларнинг тарқалиши ва истеъмол қилинишни ёш жиҳатдан чеклаш аниқ мудоао. Шунга кўра, қонун лойиҳасида иш жойлари, тиббиёт муассасалари, кинотеатрлар, театрлар, цирklar, концерт ва кўргазма заллари, спорт иншоотлари, музейлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари биноларида, таълим ва тарбия муассасаларида, болалар ва ёшлар дам олиш, шунингдек, бошқа жамоат жойларида алкоғоль маҳсулотларини истеъмол қилишни тақиқлаш кўзда тутилган.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар эътиборига хавола этилди. Унда «Судлар тўғрисида»ги қонун ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим моддаларига фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ваколатлари ва фаолиятига оид масалалар юзасидан ўзгаришлар киритиш кўзда тутилган. Шунингдек, қонун лойиҳасида ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашнинг турли принципларига таъриф берилган.

Мажлисда, шунингдек, сиёсий партияларнинг 2010 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботлар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди.

Бехожд ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Қонун ва шарҳ

Кўчмас мулк бозорида янги муносабатлар

■ Ҳар қандай давлатнинг тараққиёти кўчмас мулк бозорининг ривожланганлик даражаси билан узвий боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда кўчмас мулкка оид муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ривожланган кўчмас мулк бозорини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, кўчмас мулк ва унга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти кенг ривожланмоқда.

2010 йил 22 декабрда Президентимиз «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунни имзолади. Мазкур қонун бугунги кунда долзарб ҳисобланган кўчмас мулк бозори иштирокчилари фаолиятини тартибга солишга хизмат қилади. Шунга қадар кўчмас мулк бозори биржа бозоридан ташқари кўчмас мулкларга оид хизматлари алоҳида қонун билан тартибга солинмаган эди. У республикамизда иқтисодийнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланган кўчмас мулк бозорини янги ривожланиш босқичига кўтарилиши учун кўчмас мулк бозори, айниқса, уй-жой бозоридаги кўпгина муаммоларни қонуний ҳал этишга ёрдам берди.

Бугунги кунда кўчмас мулк бозорида кўчмас мулк объектларини таъминлаш, кўчмас мулк объектларини таъминлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан расман давлат рўйхатидан ўтган муштариф брокерлик идоралари ҳам шуғулланимоқда. Биргина 2009 йилда бу ташкилотлар кўрсат-

олиятини тартибга солишда нодавлат ташкилотларнинг ўрни юқори. Ҳамдўстлик мамлакатларида бу соҳа алоҳида қонун билан, баъзиларида эса қонуности ҳужжатлар билан мувофиқлаштирилади.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўттиш жараёнида вужудга келадиган янги фаолият турлари, хусусан, баҳолаш фаолияти, қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал хизматларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳозирги босқичида риэлторлик фаолиятини тартибга солишчи алоҳида қонун зарур эди. «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун мана шу эҳтиёжни қондириб қолмай, кўчмас мулк бозорини барқарор ривожлантиришда ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Қонунга мувофиқ, риэлторлик фаолияти ваколатли давлат органи берган лицензия асосида амалга оширилади. Шунингдек, 9-моддага кўра, риэлторлик фаолиятига тўрт турдаги хизмат қиради. Булар — кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик; кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш; кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш; кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматларидир.

Қонунга мувофиқ риэлторлик хизматларининг фақатгина битта тури, яъни кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи

жисмоний шахслар томонидан кўрсатилиши, қолган хизматлар юридик шахс мақомидаги риэлторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Бундан ташқари, риэлторлик ташкилотлари ва риэлторлар ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полисларига эга бўлиши лозим. Шунингдек, риэлторлик ташкилоти раҳбари ва камидан икки нафар ходими ҳамда риэлторлар малака сертификатига эга бўлиши лозим. Риэлторлик ташкилотлари ва риэлторлар буюртмачилар билан тузилган шартнома асосида хизмат кўрсатадилар.

Қонунда мазкур меъёрлар белгиланиши билан кўчмас мулк, айниқса, уй-жой бозорида расмий рўйхатдан ўтмай фаолият юритаётган воситачилар фаолияти ҳуқуқий мақомга эга бўлди, риэлторлик фаолиятини лицензиялаш орқали уларнинг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш механизми йўлга қўйилди, истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари химоя қилиниши таъминланди.

Ўз навбатида, норасмий воситачилар рўйхатдан ўтиб иш юритишлари туфайли давлат ижтимоий таъминотида фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар; битимлар тузиш жараёнида тегишли лицензияга эга, фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган ишончли воситачиларнинг иштирок этиши томонларнинг мулкӣй ва молиявий таваккалчилиги хавфини камайтирди.

Бугунги кунда «Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ тизимида 300 дан ортиқ брокерлик идоралари биржа аъзоси сифатида аҳолига, тадбиркор ва сармоядорларга кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларни кўрсатиб келмоқда. Мазкур идораларда меҳнат қилувчи брокерларнинг барчаси махсус ўқув курсларини тамомлаган ҳамда Давлат мулкни бошқариш қўмитасида малака имтиҳонларидан ўтиб, тегишли шаҳодатномаларни олган, кўчмас мулк бозори соҳасида зарур билим ва қўнимага эга. «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти шундаки, эндиликда кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни тузишда бозор инфра-тузилмаси ташкилотлари қаторида воситачи тадбиркорлик субъектлари ҳам бир хил шартларда хизмат кўрсатади. Бу эса эркин ва ҳалол рақобат муҳитини таъминлаш билан бирга, истеъмолчилар учун қулай имкониятлар яратди.

Хулоса қилиб айтганда, кўчмас мулк бозоридаги муносабатларни тартибга солиш янги ҳуқуқий меъёрларнинг жорий этилиши кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириб, риэлторлик фаолиятининг алоҳида шартлар ва талаблар асосида ривожланишида муҳим омил бўлади.

Фармон РАДЖАБОВ,
«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ
Бошқарув раиси биринчи ўринбосари.



Қурилиш ва мебель саноати намойиши

■ «Ўзэкспормарказ»да «UzBuild — 2011» ва «MebelExpo Uzbekistan» халқаро кўргазмалари очилди.

Бу йил «UzBuild — 2011» кўргазмасида Ўзбекистон, Австрия, Беларусь, Дания, Италия, Польша, Россия, Украина, Франция, Швеция, Япония каби 16 мамлакатдан 130 компания иштирок этмоқда. Иштирокчилар умумий сонининг 23 фоизини мамлакатимиз қурилиш саноати вакиллари ташкил қилади. Жорий йилда кўргазмада 30 компания, шунингдек, Германия, Бельгия қироллиги, Кувейт давлатидан учта миллий гуруҳ биринчи марта қатнашмоқда.

Бу йилги кўргазмининг аввалгиларидан фарқи экспозициянинг иситиш ва шамоллатиш, қурилиш материаллари ва ускуналари, электр асбоб-ускуналари, интерьер ва ди-

зайн, кулолчилик ва пардоз тоши, ландшафт ва кўчалар-зорлаштириш, ром ва витражлар каби аниқ бўлимларга ажратилганидир. Кўргазмада қурилиш ва пардозлаш материаллари, металл конструкциялар, уларни ишлаб чиқариш ускуналари, асбоб-ускуналар, мосламалар, абразив материаллар, сандвич-панеллар, ландшафт қурилиш, гидроизоляция материаллари, темир-бетон конструкциялар, товуш ўтказмайдиغان материаллар, том ва том ёпиш материаллари, қоплама ва ўтга чидамли материаллар, қурилиш қимёси, лифтлар, кўтариш-транспорт техникаси ва бошқалар намойиш этилмоқда.

Илмий семинар

Тараққиётимиз тамойили

■ Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчиладан давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилдир» ҳамда «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилди» мавзусидаги маърузалари бугун кенг жамоатчилик томонидан ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда.

Андижон вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқув режасига ҳам курс тинтовларининг Президент маърузаларини ўқитиш ва уни ёшлар онгига сингдиришга махсус дурс соатлари киритилган. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан бу борадаги ўқув-методик қўлланма, шунингдек, тавсия ва кўргазмали воситалар яратилди. Бундан ташқари, институтимизда фаолият юритаётган малакали педагог-ҳодимлар академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида шу мавзуда очил-дарслар, илмий-методик анжуманлар ўтказиб келмоқда. Дарслар баҳс-мунозара, видеопроектор тақдирот усуллари орқали ташкил этилмоқда. Яқинда Андижон давлат

университети қошидаги 4-академик лицейда ўқитувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилган илмий-методик семинар иш бошлади. Дастлабки машғулотлар айнан Президентимиз маърузаларини ўрганишга бағишланди. Тадбирда институт ректори, фалсафа фанлари номзоди Қ.Иббайдуллаев, иқтисод фанлари номзоди, доцент М.Охунов, академик лицей директори Д.Аноров Президент маърузаларини ўрганишнинг қулай педагогик усуллари ҳақида суз юритди. Махсус видеолар ва намойиш этилган мазкур машғулотларда юз нафарга яқин педагог-ўқитувчилар ва мингдан зиёд талаба-ўқувчилар иштирок этди.

Рустам ТИЛЛАБОВ,
тарих фанлари доктори.

Ахборот

1,5 МИЛЛИОН ТУП КЎЧАТ

■ Яққабог боғ яратилиш ниҳоятда қулай туман. Одамлари ҳам эккан ниҳолини кўкартириб, мевага қирмагунча тинч-майдиғанлардан. Борбонлик аънаналари авлоддан-авлодга ўтиб келаяпти.

Туман ҳокими Асрор Жўраев билан суҳбатлашганимизда, катта режалар ҳақида гап-пириб берди. Масалан, 4 та фермер хўжалигида хоридан келтирилган олма кўчатлари ўтказилмоқда. Фақат шу эмас. Кўчат етиштириш, асл навли мева ва узум ниҳолларини ўстиришга катта эътибор қаратилаяпти. Режага кўра, бу йил туманда 1,5 миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўткази-

лади. Хусусан, аҳоли хонадонларида мевали дарахтлар ўстириш — тўқинчилик омилидир. Бунинг натижасида 2012 йилга бориб, туманда мева етиштириш 4 минг, узум етиштириш 18 минг тоннадан ошади. Янги боғлар яратиш баробарида қишлоқ жойларида бу йил 2500 янги иш ўрни яратилади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

«FERUZ-SERVIS» масъулияти чекланган жамияти устав фондиди 43603080 сўмдан 31312394.91 сўмга камайтирилганини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.** (ОКПО 17637115), (ИНН 203181773).

Давво ва эътирозлар эълон қилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун тел: 255-57-80.

Эҳтиром



«Юз билан юзлашган онахонлар»

■ Ўзбекистон ХДП Нишон туман кенгаши ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи Наврўз байрами арафасида «Юз билан юзлашган онахонлар» мавзусида маърифий тадбир уюштирди.

Мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бермоқда. Бугун аёлларнинг жамиятда ўрни ва нуфузи ошди, уларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшни ташкил қилмоқда. Вилоятимизда кўпгина онахонлар юз ёшдан ошиб фарзандлар, неваря ва чеваралари бахтини кўриб, шукр қилиб яшамоқда. Жумладан, Нишон туманида 11 нафар онахон юз ёшга кирган. Шулардан бири Урал ая Юсупова «Пахтазор» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшайди.

— Узоқ умр кўришнинг сири — яхши ният, ҳалол меҳнат, бориға шукр қилиш, — дейди у. — Фарзандларнинг мўмин-қобилилиги ҳам умрни узайтиради.

Яна бир гапни айтиш, болам. Биз кўп қийинчиликларни кўрганмиз. Уруш дейсизми, қаҳатчиликми... Ҳозиргидай тинч, тўқин-сокин замон ҳеч қачон бўлмаган. Бу кунларга қанча шукр қилсак, шунча оз.

— Бугун байрам арафасида кўнглингизда қандай ниятларингиз бор?

— Илоийм, одамлардан меҳр-оқибат, инсоф-диёнат кўтарилмасин, ёшларимизнинг умрини, бахтини берсин!

Вилоят партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳам белгиланган режага мувофиқ пенсияга чиққан, беғмур ва ёлғиз онахонлар ҳолидан хабар олиб, уларни байрам билан табриқлашмоқда.

Музаффар ТУРОПОВ

Акс-садо

Дабдабали тўй

■ Иброҳим Жонузоқовнинг «Ким ўзарга тўй...» (шу йил 17 февраль) мақоласи газетхонларимизда қизиқиш уйғотди. Айримлари таҳририятимизга кўнгирак қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди, бошқалари эса бу борадаги фикрларини ёзиб юборишди.

Тўй ўтказмаган, тўй ўтганидан кейин ўзининг катта-кичик хатоларини англаб, афсусланмаган одам йўқ ҳисоби. Ахир, ҳар қандай маърака кўпчилик билан бўлади, табиийки, киши шошиб қолади. Бундан ташқари, тўй, ҳаттоки аза тадбирларини бошланганидан олдин айтилган «исроф яхши эмас», «ортиқча чиқим нодуруст» каби юмшоқ насихатлар исрофгар одамларга таъсир қилмайди, аксинча улар тўй-маъракада янги-янги бидъатларни ўйлаб топшилади.

Кейинги беш-олти йил ичида «ақиқа» маросимини оммалашди. У илгари расм эмас эди, суннат тўйи ўрнига ўтказилляпти. Қонун-қондалари ажабтовуру: чақалоқ туғилгач, еттинчи, ё ўн тўртинчи, ёки йилгирма биринчи кунда унинг таваллудини нишонлаш лозим бўлиб, бошқа вақтда ўтказилса ҳам вазифа бажарилган ҳисобланаверар экан (Миллий энциклопедия, 1-жилд, 552-бет). Бу қанчалар тўғри, билмадик. Билганимиз шунки, ҳозир ақиқа ўтказишнинг сарф-харажати суннат тўйиникидан кам бўлмапти. Илгари суннат тўйи хондоннинг ўзида ўтарди, ҳозирги ақиқалар хашаматли рестороанларда нишонланяпти, санъаткорлар машқ бериб турибди, мулло акалар ҳам артистлар каби махсус супадаги столга ўтириб амри маъруф қилляпти, дастурхон башанг... Бунинг бари пул билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам кўп оидаларда ақиқа ўтказиш, ўтказганда ҳам бошқалардан кам қилмаслик деган бошғордиқ пайдо бўлди. Ажаб, ота-боболаримиз замонада ақиқа урф эмасди, ё улар тақвода биздан оқроқда эдиларми? Бу тўғрида эъти-модли уламолар фикр билдирсалар, яхши бўларди.

Албатта, сарф-харажатнинг, исроф-уволнинг каттаси ниҳоят тўйларидан юз беряпти. Ялтир-юлтир келин-қизлар тайёрлаб чиқариш, келин-қизга сон-саноксиз сарпо олиш, эл кўрсинга тиллоранг салла-чопон, лимузин машиналар, тўйдан олдин келин билан кўнглининг ҳар хил жойларда юрганининг тасвирлари, уларнинг тўйхона рестороан-нида пайдар-пай кўрсатилиши, бир талай «навбатчи» ва «бирров»чи артистларнинг «хизмат ҳаққи»ю, қис-тир-кисстирига кетадиган пуллар. Ҳали дастурхонга етиб келмадик... Яқин беш-ўн йилдан бери тўй

ёшларники, деган галати бир гап урф бўлди. Аслида, ўзбекнинг тўйи — ҳамманики. Таомиллимизга кўра, тўйда болалардан тортиб кексаларгача қатнашади. Аммо ҳозир тўйхонада ЗАГС ходимаси икки ёшга бахт тилаб тугатиши биланок икки дақиқа карнай-сурнай, ана ундан кейин то тўй охиригача йигит-қизларнинг дискотекаси қўрсонлади. Бунақа тўйларда «санъаткор» кўп қатнашади, аммо санъат ҳор бўлади, «маданият» бошловчилар сайраб туради, аммо маданият завол топади. Ҳозир Тошкентнинг кўп тўйхоналарида миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган рақслар ҳам пайдо бўлаяпти.

Бундай аянч кўринишнинг моҳиятига назар ташласак, бир нарсга амин бўламиз: ҳаётимизга «оммавий маданият» тобора ёпирилиб, бостириб келяпти. Жаҳоннинг кўп мамлакатларида у ҳар қандай миллий ва умуминсоний қадриятларни йўққа чиқаришга, одамларни шарм-ҳаёдан мосуво қилишга улгурди, талай эл-элатларнинг кўп асрлик маънавияти маҳв этилди.

Хўш, биз-чи? Биз «оммавий маданият»га қарши тура оламизми, ёки лоқайд қола берамизми? Ман-фур «оммавий маданият»ни рад этиб, унинг қаршисида халқимизнинг энг гўзал, энг эзгу удулларини намойиш этиш учун нима етишмапти? Моҳиятан энг асл умуминсоний миллий аъналаримизнинг бемалол оёқости қилинишига йўл қўйиб берсак, ким деган одам бўламиз?!

Нега бизда тўйлар дабдабали ўтади? Бунинг сабаби нима? Бунинг бош сабаби — болам ўқимасин деймиз, меҳмонларга борини тўкиб солгимиз келади, бу йўлда ҳамма қийинчиликни ўз бўйинимизга олиб, туриб берамиз.

Ҳамма билади, исрофгарчилик ва дабдабани динимиз ҳам қоралайди. Тўйларни тартибга солишни, ихчамроқ қилиб, жўяли ўтказишни аслида ҳамма хоҳлайди. Илгариги

дабдабали ЗАГС маросимлари дегарли барҳам топиб, кўп жойларда никоҳ гувоҳномасини тўй аввалида келин-кўвга тантанали равишда топширилиши кўпчиликка хуш келмаётгани бунинг бир далили. Ана шундай оқиллона ишларни охирига етказиш учун яна нималар қилиш керак?

Назаримизда, тўйлардаги исрофгарчиликнинг олдини олиш йўли битта — ҳамонки асар тўй соҳиб-ларига панд-насихат, оқсоқолларнинг ўнгити тавсир қилмаётган экан, Президентимизнинг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги 1998 йил 28 октябрдаги Фармони асосида жамоат ташкилотлари тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириши керак.

«Ким ўзарга тўй...» мақоласида таъкидланганидек, ўзбекнинг тўйи ҳар жойда ҳар хил ўтади. Эҳтимол, кимгадир бундай «маҳаллий колорит»нинг бори яхши бўлиб кўринар. Аммо тўйнинг ҳар жойда ҳар хил ўтказилиши, бизнингча, мулло нодуруст. Зеро, бу одаларнинг кўпи одат бўлгани учунгина яшаб турибди, аслида маърифатли, маданиятли элимизнинг улардан воз кечиш пайти аллақачон етиб келган. Чунки удуллар, одалар, жумладан, тўй маросимларининг ҳар бир унсурини бир пайтларда муайян бир шароит, маълум эҳтиёж сабаб юзага келган. Бу эҳтиёж ва сабаблар ҳозир йўқолган экан, улардан пайдо бўлган ҳар турли расм-русумлар ҳам энди бидъатга — одамларни қийнайдиган омилга айланади. Асли ва насли бир халқда тўй ҳам, маъракаси ҳам муштарак бўлиши керак эмасми?

Хуллас, астойдил ҳаракат қилсак, тўй ва бошқа маросимларимизга яхши одаларни кўпроқ сингдиришимиз мумкин. Бунинг учун «Маҳалла», «Нуруний», «Камолот» сингари ўнлаб жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорликда тўйларни ихчам, ҳаммага мақбул келадиган соатларда, ортиқча чиқим ва дабдаба-бозиликлардан холи бўлган, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги аҳоли учун мос, барча гўзал ва эзгу таомилларни саралаган ҳолда энг оптимал тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш тартибини ишлаб чиқиши, эл муҳокамасига ташлаб, янада сайқал бериб, уни ҳамма жойда жорий этиш устида бош қотиришлари керак.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

Тадбир

Таълим-тарбия соҳасининг муҳим вазифалари

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор вазифалари, таълим жараёнида ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия бериш, улар онгида ахборот хуружлари ва «Олмалик маданиятга» қарши иммунитет ҳосил қилиш масалаларига бағишланган Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари мутасадди раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтириш, кудрати ва салоҳиятини бутун дунёга намойиш этиш, жаҳон ҳамжамиятида тугган бекиёс ўрнини мустаҳкамлаш, энг аввало, ёшларимизнинг илми, дунёқараши, бугунги шиддаткор замонда содир бўлаётган воқеа-хадисаларга теран нигоҳ ташлаши, соғлом, мустақил фикрлай олиши, бир сўз билан айтганда, уларнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Шу боис, ҳозир таълим муассасаларида тахсил олаётган йигит-қизларимизга ҳар жиҳатдан мукамал, замонавий таълим бериш, уларни турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш ва ўзлгимизга қарши қаратилган ҳар қандай мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш давлатимиз сийёсатининг энг асосий, устувор вазифасига ай-

ланган. Анжуман қатнашчилари юртимиздаги таълим муассасаларида бу борада амалга оширилаётган ишларга тўхталишди.

— Бугунги кунда юртимизда таълим соҳасини янада ривожлантириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни модернизация қилиш учун жуда катта миқдорда маблағ ажратилмоқда, — деди Халқ таълими вазирлиги ўринбосари Одил Собиров. — Биргина 2004-2009 йиллар орасида тўққиз мингга яқин таълим муассасаларининг капитал реконструкция қилингани ёки янгидан барпо этилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Энг муҳими, уларда ўқитиш сифати яхшиланди. Жумладан, 2004-2011 йилларда мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг 151 нафар ўқув-

чиси халқаро фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллади, халқ таълими тизимидаги кўплаб ўқувчи қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бундан ташқари, фарзандларимизда маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган бир қанча қарор ва дастурлар ишлаб чиқилди. «Бир болага етти кўшни ота-она», «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси», «Президент асарлари билдони» каби маънавий-маърифий тадбирлар комплекси шулар жумласига қиради.

— Кейинги йилларда талабаларга Президентимиз маърузалари, ижтимоий-сийёсий маззулардаги асарлар бўйича ҳар томонлама чуқур таълим бериш, уларда баён қилинган фикр ва мулоҳазаларни ёшларимиз онгида синдириш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда, — деди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Музаффар Комилов. — Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — энгилмас куч», «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни

бартаф этишнинг йўллари ва чоралари», шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ва бошқа бир қатор асарларини юртимиздаги барча таълим муассасаларида ўрганиш учун махсус курслар ташкил этилди, ўқув қўлланмалар, мажмуалар яратилди.

Зеро, уларда фарзандларимизнинг мустақил ҳаётга мустаҳкам маънавий дунёқараш билан қадам қўйишлари учун нималарга эътибор қаратиш зарурлиги аниқ белгилаб берилган.

— Мактабимизда ўқувчиларнинг нафақат пухта билим эгаллаши, балки уларнинг қалби ва онгида юксак маънавий-ахлоқий қарашларни шакллантиришга ҳам алоҳида

эътибор қаратилган, — деди пойтахтимиздаги 243-мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Милоҳат Муҳаммадқонова. — Болаларимизнинг бўш вақтларини беҳудага ўтказмаслиги, айни илм ўрганиш даврида бекорчи нарсаларга чалғиб кетмаслиги, ҳар хил ёт гоғларга алданиб қолмасликлари учун турли тадбирлар, анжуманлар, қизиқарли интеллектуал мусобақалар ташкил этиш одат тусини олган. Шунингдек, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда ҳар чоракнинг сўнггида ўтказиб келинаётган «Оталар мажлиси», ҳар ҳафтада ташкил этиладиган маънавий кунлари маънавий-маърифий ишлар самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, шу йилдан эътиборан мактабимизда «Оила, маҳалла, мактаб» номи махсус марказ фаолият юрита бошлади.

Тадбир давомида соҳа мунтахаассислари журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб берди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Эътироф



Профессор Раъно Сайфуллаева (ўртада) илмий раҳбарлигида шу кунгача 1 та докторлик, 11 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

Ўзбек олимаси

Европа табиий фанлар академиясининг академиги унвонига сазовор бўлди

Президентимизнинг 8-март муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, ҳаётимизнинг қайси соҳа ва йўналишини олмайлик, бу — давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари бўладими, тиббиёт ҳамда таълим-тарбия, фан ва маданият, санъат бўладими, уларнинг ривожланишида, самарасини оширишда, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда, халқаро майдонда давлатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда хотин-қизларимизнинг ҳам ўз ўрни бор.

Европа табиий фанлар академиясининг вице-президенти, Россия табиий фанлар академиясининг академиги, профессор В.Горбунов республикамиз ҳукумати номига юборган мактубида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор Раъно Сайфуллаевага Европа табиий фанлар академиясининг академиги унвони берилганлиги ҳамда у Россия фанлар академияси «Регион» илмий-таҳлилий журнали бош муҳаррирининг ўринбосари этиб сайланганлигини билдириб, ўзбек олимаси фаолиятига юксак баҳо берган.

— Сўнгги йилларда Ўзбек-

кстон олимларининг чет элларда монографиялари, мақолалари чиқиши, жаҳон академияларига қабул қилиниши, турли халқаро симпозиум ва конгрессларда иштироки бизга мустақиллигимиз берган бебаҳо имкониятдир, — дейди Раъно Сайфуллаева. — Ҳукуматимиз томонидан аёлларга қаратилган катта эътиборни доимо ҳис қилиб яшаймиз.

Профессор Раъно Сайфуллаева илмий раҳбарлигида шу кунгача 1 та докторлик, 11 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Олмага 20 га яқин дарслик, монография ва ўқув қўлланма, 100 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалар муаллифидир.

Темур АЪЗАМ

Байрам тухфаси

Қишлоқда янги мактаб қурилди

Қўшрабод туманидаги Соригул қишлоғи вилоят марказидан қарийб 200, туман марказидан эса 60 чақирим узоқликда жойлашган. Бу ердаги 25-ўрта мактаб ўтган асрнинг 80-йилларида қурилган, мослаштирилган бинодан иборат эди.

Қишлоқ мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган Давлат дастурига кўра, ўтган йили мактабнинг қўшимча биноси қурилиши бошланган эди. Мактабнинг 100 ўринли қўшимча биноси тез фурсат ичида сифатли барпо этилди. Наврўз байрами арафасида мактаб биносини фойдаланишга топширишга бағишланган тадбир ҳақиқий байрам тусини олди.

— Мен шу мактабда қарийб ўттиз

йил ишлаганман, — дейди фахрий ўқитувчи Бектош Жабборов. — Илгари мактаб биноси паҳсадан тикланган эди. Биз шундай шароитда ишладик. Мустақилликyroфати билан олис қишлоқ мактаби ҳам замонавий бинога эга бўлди. Бу шу ерда яшаётган, мактабда таълим олаётган болаларимиз, невараларимизнинг бахти, десам, хато бўлмайди.

— Давлатимиз раҳбарининг ҳам-



хўрлигини вилоятнинг олис қишлоғидаги мактаб ўқувчилари ҳам ҳис этишга тўғри келди, — дейди мактаб директори Салоҳиддин Қорақуллов.

— Бизга шундай қулай шароит яратиб берганлиги учун Президентимизга раҳмат, уларнинг ишончини аъло ба-

ҳоларга ўқиймиш, намунали хулқимиз билан оқлаймиш, — дейди 8-синф ўқувчиси Азиза Норбекова. — Бу ерда билимимизни ошириш учун барча шароит бор. Менга, айниқса, компьютер хонаси маъқул бўлиб қолди.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Спорт

Бир-бирдан муҳим ғалабалар

ОФК кубоги гуруҳ босқичи баҳсларининг иккинчи тур учрашувлари ҳамюртларимиз учун муваффақиятли кечди.

Мусобақанинг «А» гуруҳида иштирок этаётган Қаршининг «Насаф» футболчилари сафарда Яманнинг «Ал-Тиллол» жамоаси меҳмони бўлдилар. Анад шаҳрида ўтган баҳсда «Насаф» футболчилари ҳисобни очишган бўлсаларда, сўнгги кетма-кет ўз дарвозаларидан иккита тўп ўтказиб юборишди.

Шунга қарамай, ўзларида ирода топа олган Анатолий Демяненко шоғирдлари ғалабага муносиб эканликларини исботлашди — 2:3. Ҳамюртларимиздан тўпларни Лутфулло Тўраев, Мақсуд Каримов ҳамда Артур Геворкян киритди. Гуруҳнинг иккинчи ўйинида «Ал-Ансор» вакиллари ўз майдонида Хиндистоннинг «Демпо» жамоасини 2:0 ҳисобида енгди.

Муҳлислар яна бир қизиқарли учрашувга Ғузурда гувоҳ бўлишди. ОФК кубогининг «В» гуруҳидан жой олган «Шўртан» — «Ас-Сакр» (Яман) жамоалари баҳсида хоккей ҳисоби қайд этилди. — 7:2.

Кеча Осиё чемпионлари лигаси гуруҳ босқичи учрашувлари ўтказилди. Унда «Бунёдкор» — «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони), «Ал-Садд» (Қатар) — «Пахтакор» жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Эркин ХОЛБОБОВ

Миллий чемпионат ҳамда халқаро мусобақаларда чарм тўп усталарининг ўз салоҳият ва имкониятларини тўла намойиш эта олишлари майдон ортидаги тиббиёт ходимлари хизматига ҳам боғлиқ.



Эркабой БОТИРОВ олган сурат.

«Футбол-мед»нинг катта имкониятлари

— Ҳар жиҳатдан соғлом футболчигина майдонда жозибали ва самарали ўйин кўрсата олади, — дейди Ўзбекистон футбол федерацияси хузуридаги «Футбол-мед» шўъба корхонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Музаззам Мелиева. — Шу боис чемпионат арафасида биз барча жамоа аъзоларининг саломатлигини алоҳида назоратга олдик. Мурабийлар машқларни ташкил этиш баробарида биз билан бевоҳита ҳамкорликда иш олиб боришга тўғри келди. Олий тоифали мутахассисларимиз — биохимик Феруза Юсупова, кардиолог Раҳима Тўрақуллова, психофизиолог Камолитдин Қодиров, физиотерапевтлар Феруза Мустафоева, Фарход Рўзметов миллий чемпионат арафасида кеча-кундуз ишлашди, десам, муболага бўлмайди.

Тиббий марказ яқинда мутлақо янги ташхис-даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Энг замонавий бу воситалар, айтилик, қонни 19 хил кўрсаткич бўйича таҳлил қилиш, юрак

уришини оддий ва майдондаги ўйин «хотлатлари»да ўрганиш, ҳатто футболчи танасининг пластикасини кўздан кечириб, тегишли хулоса ва маслаҳатлар бериш имконини туғдирапти. Шифокорлар маркази асаб тизимини психохимик таҳлилдан ўтказиб, у ёки бу ўйинчилик имкониятларини қандай рўйбга чиқариш мумкинлиги хусусида мурабийларга тегишли таъсирлар берилади. Шу асосда мурабийлар ўйин чоғида у ёки бу рақибга қарши кимни майдонга тушириш, қайси ўйинчиларни марказга, чап ёки ўнг қанотга қўйиш, химоя чизигига кимларни жойлаштириш юзасидан тезкор қарорлар қабул қилишлари мумкин.

Хуллас, «Футбол-мед» хизматидан унумли фойдаланиш муваффақият гарови бўлиш баробарида футболчиларнинг саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги энг ишончли воситадир.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ

«Баркамол авлод» спорт мажмуаси

наманганлик ёшлар учун ажойиб совға бўлади

Президентимизнинг «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида шаҳар ҳудудида катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Улардан бири шаҳар марказидаги «Баркамол авлод» спорт мажмуаси қурилишидир.

Унда сузиш, қиличбозлик, кураш, бокс, енгиш ва оғир атлетика, футбол, волейбол, теннис, спорт гимнастикаси ва ИШарқ яққакураши турлари бўйича кунига 650 нафардан ортиқ ёшлар шугулланиши мумкин бўлади.

12х25 метр ўлчамдаги ёпиқ сузиш ҳавзасининг сув сийғими 550 куб метрни ташкил этади. Ҳавзада мамлакат миқёсидаги мусобақаларни ўтказиш ҳам режалаштирилган. Кураш зали 12х20 метр ўлчамда. Бундан ташқари, 12х18 метр ўлчамли бокс, жиҳозланган оғир атлетика зали бор.

Спортнинг қиличбозлик тури вилоятда унумли ривожланмаган. Бу тур бўйича икки нафар мурабий бор. Шу боис 12х18 метр ўлчамдаги қиличбозлик залида иккита гуруҳ ташкил этилиб, ҳафтасига уч мартадан машғулот ўтилади.

Лойиҳада футбол ва енгиш атле-



тика залининг умумий ўлчами 96х30 метр бўлиб, унинг таркибига 18х36 метр ўлчамдаги спорт гимнастикаси, 20х40 метр ўлчамдаги мини футбол майдонлари, 60 ҳамда 200 метрли югуриш йўлаклари киритилган. Зарур бўлганда бу майдонларни баскетбол, волейбол, қўл тўпи майдончаларига мослаштириш имконияти ҳам мавжуд. Мажмуада барпо этилаётган очик ҳолдаги баскетбол ва волейбол майдонлари ҳам тез орада ёшлар ихтиёрига берилди. Спорт залида 800 нафар томошабинни бағрига оладиган ўриндиқлар ҳам ҳозирланмоқда.

104х69 метр ўлчамдаги футбол майдони халқаро талабларга тўла

жавоб беради. Атрофида 8 та югуриш йўлаклари ва баландликка сакраш майдончаси бўлиб, бу ерда енгиш атлетика мусобақаларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. 20х40 метр ўлчамдаги теннис кортида эса бир вақтининг ўзида 12 нафар ёшларнинг шугулланиши учун шароит бўлади.

«Ўзбекнефтгаз» холдинг компаниясининг «Юггазстрой» қурилиш трести бунёдкорлари томонидан барпо этилаётган, умумий қиймати 12 миллиард сўм бўлган «Баркамол авлод» спорт мажмуада ёшларнинг завқли хитоблари жаранлашига оз фурсат қолди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Тадбир

Таълим-тарбия соҳасининг муҳим вазифалари

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор вазифалари, таълим жараёнида ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия бериш, улар онгида ахборот хуружлари ва «Оммавий маданият»га қарши иммунитет ҳосил қилиш масалаларига бағишланган Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари мутасадди раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтириш, қудрати ва салоҳиятини бутун дунёга намойиш этиш, жаҳон ҳамжамиятида тугган бекиёс ўрнини мустаҳкамлаш, энг аввало, ёшларимизнинг илми, дунёқараши, бугунги шиддаткор замонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ ташлаши, соғлом, мустақил фикрлай олиши, бир сўз билан айтганда, уларнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Шу боис, ҳозир таълим муассасаларида таҳсил олаётган йигит-қизларимизга ҳар жиҳатдан мукамал, замонавий таълим бериш, уларни турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш ва ўзлгимизга қарши қаратилган ҳар қандай мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш давлатимиз сийёсатининг энг асосий, устувор вазифасига ай-

ланган. Анжуман қатнашчилари юртимиздаги таълим муассасаларида бу борада амалга оширилаётган ишларга тўхталишди. — Бугунги кунда юртимизда таълим соҳасини янада ривожлантириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни модернизация қилиш учун жуда катта миқдорда маблағ ажратилмоқда, — деди Халқ таълими вазирлиги ўринбосари Одил Собиров. — Биргина 2004-2009 йиллар орасида тўққиз мингга яқин таълим муассасаларининг капитал реконструкция қилингани ёки янгидан барпо этилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Энг муҳими, уларда ўқитиш сифати яхшиланди. Жумладан, 2004-2011 йилларда мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг 151 нафар ўқув-

барараф этишнинг йўллари ва чоралари», шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўша мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ва бошқа бир қатор асарларини юртимиздаги барча таълим муассасаларида ўрганиш учун махсус курслар ташкил этилди, ўқув қўлланмалар, мажмуалар яратилди.

Зеро, уларда фарзандларимизнинг мустақил ҳаётга мустаҳкам маънавий дунёқараш билан қадам қўйишлари учун нималарга эътибор қаратиш зарурлиги аниқ белгилаб берилган.

— Мактабимизда ўқувчиларнинг нафақат пухта билим эгаллаши, балки уларнинг қалби ва онгида юксак маънавий-ахлоқий қарашларни шакллантиришга ҳам алоҳида

эътибор қаратилган, — деди пойтахтимиздаги 243-мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Маллоҳат Мухаммадқонова. — Болаларимизнинг бўш вақтларини беҳудага ўтказмаслиги, айни илм ўрганиш даврида бекорчи нарсаларга чалғиб кетмаслиги, ҳар хил ёт гоғларга алданиб қолмасликлари учун турли тадбирлар, анжуманлар, қизиқарли интеллектуал мусобақалар ташкил этиш одат тусини олган. Шунингдек, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда ҳар чоракнинг сўнггида ўтказиб келинаётган «Оталар мажлиси», ҳар ҳафтада ташкил этиладиган маънавий кунлари маънавий-маърифий ишлар самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, шу йилдан эътиборан мактабимизда «Оила, маҳалла, мактаб» номли махсус марказ фаолият юрита бошлади.

Тадбир давомида соҳа мутахассислари журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб берди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Эътироф



Профессор Раъно Сайфуллаева (ўртада) илмий раҳбарлигида шу кунгача 1 та докторлик, 11 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

Ўзбек олимаси

Европа табиий фанлар академиясининг академиги унвонига сазовор бўлди

Президентимизнинг 8-март муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, ҳаётимизнинг қайси соҳа ва йўналишини олмайлик, бу — давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари бўладими, тиббиёт ҳамда таълим-тарбия, фан ва маданият, санъат бўладими, уларнинг ривожланишида, самарасини оширишда, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда, халқаро майдонда давлатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда хотин-қизларимизнинг ҳам ўз ўрни бор.

Европа табиий фанлар академиясининг вице-президенти, Россия табиий фанлар академиясининг академиги, профессор В.Горбунов республикамиз ҳукумати номига юборган мактубида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор Раъно Сайфуллаевага Европа табиий фанлар академиясининг академиги унвони берилганлиги ҳамда у Россия фанлар академияси «Регион» илмий-таҳлилий журнали бош муҳаррирининг ўринбосари этиб сайланганлигини билдириб, ўзбек олимаси фаолиятига юксак баҳо берган.

Европа табиий фанлар академиясининг чет элларда монографиялари, мақолалари чиқиши, жаҳон академияларига қабул қилиниши, турли халқаро симпозиум ва конгрессларда иштироки бизга мустақиллигимиз берган бебаҳо имкониятдир, — дейди Раъно Сайфуллаева. — Ҳукуматимиз томонидан аёлларга қаратилган катта эътиборни доимо ҳис қилиб яшаймиз. Профессор Раъно Сайфуллаева илмий раҳбарлигида шу кунгача 1 та докторлик, 11 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Олмага 20 га яқин дарслик, монография ва ўқув қўлланма, 100 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалар муаллифидир.

Темур АЪЗАМ

Байрам тухфаси

Қишлоқда янги мактаб қурилди

Қўшрабод туманидаги Соригул қишлоғи вилоят марказидан қарийб 200, туман марказидан эса 60 чақирим узоқликда жойлашган. Бу ердаги 25-ўрта мактаб ўтган асрнинг 80-йилларида қурилган, мослаштирилган бинодан иборат эди.



хўрлигини вилоятнинг олис қишлоғидаги мактаб ўқувчилари ҳам ҳис этишадигани улғунгунга, — дейди мактаб директори Салоҳиддин Қорақуллов. — Бизга шундай қулай шароит яратиб берганлиги учун Президентимизга раҳмат, уларнинг ишончини аъло ба-

ҳоларга ўқиймиз, намунали хулқимиз билан оқлаймиз, — дейди 8-синф ўқувчиси Азиза Норбекова. — Бу ерда билимимизни ошириш учун барча шароит бор. Мена, айниқса, компьютер хонаси маъқул бўлиб қолди.

Абдували ХУДОЁЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Спорт

Бир-бирдан муҳим ғалабалар

ОФК кубоги гуруҳ босқичи баҳсларининг иккинчи тур учрашувлари ҳамюртларимиз учун муваффақиятли кечди. Мусобақанинг «А» гуруҳида иштирок этаётган Қаршининг «Насаф» футболчилари сафарда Яманнинг «Ал-Тилол» жамоаси меҳмони бўлдилар. Анад шаҳрида ўтган баҳсда «Насаф» футболчилари ҳисобни очишган бўлсалар-да, сўнгра кетма-кет ўз дарвозаларидан иккита тўп ўтказиб юборишди.

Шунга қарамай, ўзларида ирода топа олган Анатолий Демяненко шоғирдлари ғалабага муносиб эканлигини исботлашди — 2:3. Ҳамюртларимиздан тўпларни Лутфулло Тўраев, Мақсуд Каримов ҳамда Артур Герворян киритди. Гуруҳнинг иккинчи ўйинида «Ал-Ансор» вакиллари ўз майдонида Хиндстоннинг «Демло» жамоасини 2:0 ҳисобида енгди. Муҳлислар яна бир қизиқарли учрашуга Ғузорда гувоҳ бўлишди. ОФК кубогининг «В» гуруҳидан жой олган «Шўртан» — «Ас-Сакр» (Яман) жамоалари баҳсида хоккей ҳисоби қайд этилди — 7:2. Кеча Осиё чемпионолари лигаси гуруҳ босқичи учрашувлари ўтказилди. Унда «Бунёдкор» — «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) — 0:1, «Ал-Садд» (Қатар) — «Пахтакор» — 2:1 жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Эркин ХОЛБОБО

Миллий чемпионат ҳамда халқаро мусобақаларда чарм тўп усталарининг ўз салоҳияти ва имкониятларини тўла намойиш эта олишлари майдон ортидаги тиббиёт ходимлари хизматига ҳам боғлиқ.

«Футбол-мед»нинг катта имкониятлари

Ҳар жиҳатдан соғлом футболчигина майдонда жозибали ва самарали ўйин кўрсата олади, — дейди Ўзбекистон футбол федерацияси хузуридаги «Футбол-мед» шўъба корхонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Музаам Мелиева. — Шу боис чемпионат арасида биз барча жамоа аъзоларининг саломатлигини алоҳида назоратга олдик. Мурабийлар машқларни ташкил этиш баробарида биз билан бевоҳита ҳамкорликда иш олиб боришяпти. Олий тоифали мутахассисларимиз — биохимик Феруза Юсупова, кардиолог Раҳима Тўрақуллова, психолог Камолддин Қодиров, физиотерапевтлар Феруза Мустафоева, Фарход Рўзметов миллий чемпионат арасида кеча-кундуз ишлашди, десам, муболага бўлмайди. Тиббий марказ яқинда мутлақо янги ташхис-даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Энг замонавий в-воситалар, айтилик, қонни 19 хил кўрсаткич бўйича таҳлил қилиш, юрак

уришини оддий ва майдондаги ўйин «хотлатлари»да ўрганиш, ҳатто футболчи танасининг пластикасини кўздан кечириб, тегишли хулоса ва маслаҳатлар бериш имконини туғдирапти. Шифокорлар маркази асаб тизимини психохимик таҳлилдан ўтказиб, у ёки бу ўйинчининг имкониятларини қандай рўйбга чиқариш мумкинлиги хусусида мурабийларга тегишли таъсирлар берилади. Шу асосда мурабийлар ўйин чоғида у ёки бу рақибга қарши кимни майдонга тушириш, қайси ўйинчиларни марказга, чап ёки ўнг қанотга қўйиш, химоя чизигига кимларни жойлаштириш юзасидан тезкор қарорлар қабул қилишлари мумкин. Хуллас, «Футбол-мед» хизматидан унумли фойдаланиш муваффақият гарови бўлиш баробарида футболчиларнинг саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги энг ишончли воситадир.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ

«Баркамол авлод» спорт мажмуаси

наманганлик ёшлар учун ажойиб совға бўлади

Президентимизнинг «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида шаҳар ҳудудида катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Улардан бири шаҳар марказидаги «Баркамол авлод» спорт мажмуаси қурилишидир.



Унда сузиш, қиличбозлик, кураш, бокс, енгил ва оғир атлетика, футбол, волейбол, теннис, спорт гимнастикаси ва Шарқ яққакураши турлари бўйича кунига 650 нафардан ортиқ ёшлар шугулланиши мумкин бўлади. 12х25 метр ўлчамдаги ёпиқ сузиш ҳавзасининг сув сийғими 550 куб метрни ташкил этади. Ҳавзада мамлакат миқёсидаги мусобақаларни ўтказиш ҳам режалаштирилган. Кураш зали 12х20 метр ўлчамда. Бундан ташқари, 12х18 метр ўлчамли бокс, жиҳозланган оғир атлетика зали бор. Спортнинг қиличбозлик тури вилоятда унча ривожланмаган. Бу тур бўйича икки нафар мурабий бор. Шу боис 12х18 метр ўлчамдаги қиличбозлик залида иккита гуруҳ ташкил этилиб, ҳафтасига уч мартадан машғулот ўтилади. Лойиҳада футбол ва енгил атле-

тика залининг умумий ўлчами 96х30 метр бўлиб, унинг таркибига 18х36 метр ўлчамдаги спорт гимнастикаси, 20х40 метр ўлчамдаги мини футбол майдонлари, 60 ҳамда 200 метрли югуриш йўлакларини киритилган. Зарур бўлганда бу майдонларни баскетбол, волейбол, қўл тўпи майдончаларига мослаштириш имконияти ҳам мавжуд. Мажмуада барпо этилаётган очиқ ҳолдаги баскетбол ва волейбол майдонлари ҳам тез орада ёшлар ихтиёрига берилади. Спорт залида 800 нафар томошабинни бағрига оладиган ўриндиклар ҳам ҳозирланмоқда. 104х69 метр ўлчамдаги футбол майдони халқаро талабларга тўла

жавоб беради. Атрофида 8 та югуриш йўлаклари ва баландлиқка сарраш майдончаси бўлиб, бу ерда енгил атлетика мусобақаларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. 20х40 метр ўлчамдаги теннис кортида эса бир вақтининг ўзида 12 нафар ёшларнинг шугулланиши учун шароит бўлади. «Ўзбекнефтгаз» холдинг компаниясининг «Юггазстрой» қурилиш трести бунёдкорлари томонидан барпо этилаётган, умумий қиймати 12 миллиард сўм бўлган «Баркамол авлод» спорт мажмуада ёшларнинг завқли хитоблари жаранглашига оз фурсат қолди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



«Урганч-ёф»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*халқимизни баҳор байрами —
Наврўзи олам билан қутлайди.
Юртимизда тинчлик, хотиржамлик,
аҳиллик бардавом бўлсин!
Хонадонларимиздан қут-барака,
файзу тароват аримасин!*

**Байрамингиз муборак
бўлсин, азиз юртдошлар!**



**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»
акциядорлик компанияси
тизимидаги**

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

**жамоаси НАВРЎЗИ ОЛАМ билан
ватандошларимизни
самимий муборакбод этади!**

**Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон,
осмонимиз мусаффо бўлсин!**



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси



*эзгулик ва баҳор байрами —
Наврўзи олам билан барча
юртдошларимизни муборакбод
этади!*

Ишлаб чиқараётган маҳсулотлар
сифатини яхшилашга ва
турларини кўпайтиришга интилаётган
корхонамиз ишчи-хизматчилари
Кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик йилида
барча ҳамюртларимизга
янги-янги зафарлар ёр бўлишини
тилайди!



**Наврўзи олам барчамизга тинчлик-тотувлик,
тўкинлик олиб келсин!**

Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!



Ўзбек феълли

Кўхна дарвоза

■ Деновнинг кунботарида «Сина» деган кишлоқ бор. Ўн мингдан ортиқ аҳолига эга худуднинг ҳавоси ўта мусоффо, табиати жуда ўзгача. Ёзининг жазирасида бу ерга келувчилар сони янада ортади. Минг йилларга гувоҳ бу тоғ аҳолиси асосан чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланади.

Эл орасидаги «Вахшивор» суви, «Ушор» нони, «Сина» узуми билан машҳур, деган гаплар бежиз эмас. Чунки, бепоен тоқзор, ажойиб боғлару кенг бугдойзорлар асосан булоқ сувларидан қонади. Неъматлари тотли, ширин, мазали бўлган кишлоқ одамлари ҳам азим тоғлардек узоқ умр кўради.

— Бу йил 86 ёшга тўлдим, — дейди биз йўлаб борган хонадон соҳиби Меликул Кароматов. — Олти нафар фарзанд, неварачеваралар даврасида умргузаронлик қиляпман. — Бобо, узоқ умр кўришининг сирини мада, — сўраймиз пиру бадавлат отахондан.

— Аввало, киши бехуда гап, кўп овқат, уйқудан тийилиши даркор. Жисмоний меҳнат, тоза ҳаво ҳам умрга умр кўшади. «Сина»нинг этакда 30 сотих тоқзоримиз бор, вақти-вақти билан у ерда ишлайман. Бундан киши хузурланади, ором олади. Узоқ умр кўриш яна шажарага ҳам боғлиқ. Рустамкул акам 103 йил яшаб, икки йил бурун оламдан ўтди. Боболаримиз ҳам бир асрга яқин умр кўришган.

Ушбу хонадонда сақланаётган ёғоч дарвоза диққатимизни тортиди.

— Бу дарвозанинг ёши мендан анча катта, — давом этади нуроний. — Уч юз ёшда. Ортиқбой бобомиздан қолган буюмни раҳматли отамиз ҳам авайлаб-асраган. Яқин-яқингача у ҳовлида ўрнатилган ҳолда турарди. Набирам янгисига алмаштиргач, олиб кўйдик. Арчадан ясалган дарвозани катта бобомиз хонжизалик устага бир ман (тахминан 164 килограмм) майиз бериб, олиб келган экан.

Мезонлар эни 2 метрдан ортиқ, бўйи қарийб 3 метр келадиган дарвозани ҳовлига олиб чиқишди.

— Тут, арча, тўғона, чинор дархатлари қаттиқ келади, — давом этади Меликул бобо. — Қаранг, уч асрининг гувоҳи бўлган бу дарвоза ҳали ҳам бақувват. Невараларга ҳам бу бойлиқни кўз қорачигидек авайлаб-асрашларини тайинлаганман...

Дарҳақиқат, тўксон ёш билан юзлашаётган деновлик Меликул бобо қадим дарвозани асраб-авайлаб келаётди. Ота-боболаридан қолган бу ёдгорликдан у нега кўнгил узолмапти? Ана шу савол кишини ўйга толдиради. Уйлаганин сари ниманидир англагандек бўласан...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ



Мақсад сари дадил қадам

■ Мамлакатимиз иқтисодиётининг мустаҳкамланаётганига банк муассасалари томонидан иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларига ажратилаётган молиявий ресурслар ҳажми тобора ошиб бораётгани ҳам муҳим омил бўлмоқда. Очiq акциядорлик тижорат «Алоқабанк» кўп йиллик тажрибасидан унумли фойдаланиб, аҳоли ва мижозларга тақриф этилаётган хизматларни ҳар томонлама такомиллаштириб келаётган банклар сирасига қиради. Айниқса, унинг Бухоро филиали томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар бунинг ёрқин исботидир.

Бухоро филиалининг аниқ стратегик режа асосида фаолият юритаётгани иш қўлами ва сифатини ошириш баърида кичик бизнес ва килларига манзур бўлмоқда. Кўрилган чора-тадбирлар самараси улароқ мижозларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда, натижада, банк мижозлари сони кўпаймоқда. Мамлакатимизда жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ижтимоий-иқтисодий тараққиётни юксак босқичга кўтариш, тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш йўлида ташланган яна бир муҳим қадам бўлди. Айниқса, ми-

жозлар билан ишлаш учун қўлай шароитлар яратилгани ҳамда уларга мақсадли қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. — Филиалимиз томонидан ажратилган кредитларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг саноат, қурилиш, кишлоқ ҳўжалиги, транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш каби етакчи соҳаларига йўналтирилмоқда. Чунинчи, ўтган йил давомида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиявий манбалар ҳисобидан 5,6 млрд. сўмлик

кредитлар ажратилди, — дейди Бухоро филиали раҳбари Алишер Ражабов. — Натижада тадбиркорликнинг барча йўналишлари қамраб олиниб, кўплаб кичик корхоналар ташкил этилди, мавжудларининг фаолияти кенгайтирилди. Умуман олганда, банк кредитлари саноат тармоқлари ривожига, бунёдкорлик ишларининг жадаллашуви, савдо ва маиший соҳада сервис хизматларининг сифат жиҳатидан яхшилланишига, энг асосийси, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларига 2,2 млрд. сўм миқдорига микрокредитлар ажратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, аёлларни бизнесга жалб этиш мақсадида банкнинг Бухоро филиали томонидан 480,0 млн. сўм миқдорига имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Натижада кўплаб хотин-қизлар ўз тадбиркорлик фаолиятларини бошлашди.

Президентимизнинг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва

молларини кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида ўтган йили 81,3 млн. сўм миқдорига кредитлар ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир фармони ижроси бўйича ҳамда аҳолининг истеъмол кредитларига бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда 2010 йил мобайнида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ёш оилаларга 295,3 млн. сўм миқдорига кредитлар ажратилди.

Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида жисмоний шахсларга йил давомида банк филиали томонидан 1,5 млрд. сўм миқдорига истеъмол кредитлари ажратилди.

Ўртбошимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига

асосан ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 млрд. сўмга етказилди. Бу маблағнинг 816,0 млн. сўми ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар сотиб олиш учун, 653,0 млн. сўми эса хомашё ва материаллар харид қилишга йўналтирилган.

Шунингдек, Президентимизнинг Маҳаллий ноозиқовқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига асосан 708,0 млн. сўм кредитлар ажратилган бўлса, унинг 290,0 млн. сўми ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилишга сарфланди.

«Алоқабанк» ўзининг молиялаш фаолияти билан бугунги кунда халқ ҳўжалигининг илғор технологияларига асосланган муайян соҳасини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу билан банк жамоаси республикамиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Жамшид РАУПОВ



Хоразм вилояти

«ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИККИМИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

Халқимизни янгилаш Ва яшариш байрами —

Наврўзи олам билан қутлайди!

Ушбу байрам ҳар бир хонадонга

тўкинлик Ва осойишталик олиб келсин!

Айёмингиз

муборак бўлсин,

азиз ватандошлар!

«ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ»

худудий акциядорлик бирлашмаси

жамоаси

юртдошларимизни

Наврўзи олам билан

самимий

муборакбод этади!

Табиатга янгича сурур

бахш этаётган

бу улуг айём юртимизга

қут-барака, хонадонларимизга

файзу тароват олиб келсин!




**ASIA ALLIANCE
BANK**

*хусусий очик турдаги акциядорлик тижорат банки жамоаси
юртдошларимизни **Наврўзи олам** билан табриклайди.*

Йил бошидаги барча эзгу орзу-ўйларимиз амалга ошсин!

**БЎЎЁДКОР ХАЛҚИМИЗ ВА ОНА ЎЗБЕКISTONИМИЗНИНГ
КЕЛАЖАГИ БУЮК БЎЛСИН!**

«ТОШКЕНТДОНМАХСУЛОТ»

акциядорлик жамаияти жамоаси

юртдошларимизни
уйғониш ва яшарши
айёми — **Наврўзи олам**
билан қутлайди.

Кўклам қўшиғи — Наврўз
шукухи қалбларимизга
чексиз қувонч,
эзгу туйғулар бахш этсин!





**BRITISH AMERICAN
TOBACCO
UZBEKISTAN**

«Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон»
компанияси меҳмондўст
Ўзбекистон элини янгилашиш,
баҳор айёми —
Наврўзи олам билан самимий табриклайди.

Наврўзингиз
муборак бўлсин!

Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон

Ўзбекистон — Германия

«САВДОГАР»

акциядорлик-тижорат банки
жамоаси

халқимизни
Наврўзи олам билан
муборакбод этади!

*Юртимизда тинчлик-хотиржамлик,
рўзгоримизда тўкин-сочинлик бўлсин.
Ҳар бир хонадондан файзу барака аримасин.*

*Юртдошларимизга бахту иқбол
ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!*





MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Musihiddin
MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 349
21781
nuxxada
bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 02.55
Topshirilgan vaqti — 03.35

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Dilshod NARZULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston
ovozi»ning kompyuter
markazida terildi va
sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5